

---

## IV ёзги Пара Осиё ўйинлари:

Данғара тумани 39-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси 15 ёшли Шаҳинахон Йигиталиева Пара Осиё ўйинлари рекордини янгилаб, олтин медални қўлга киритди!

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтаётган IV ёзги Пара Осиё ўйинларида вилоятимиз вакиллари навбатдаги олтин медални қўлга киритишди.

Пара-енгил атлетика баҳсларининг аёллар ўртасида найза улоқтириш бўйича F46 тоифасида кечган беллашувларда ҳамюртимиз Шаҳинахон Йигиталиева олтин медални қўлга киритди.

Аҳамиятlisi, 15 ёшли Йигиталиевага чемпионликни тақдим қилган 40.90 метр натижа ушбу йўналишда Пара Осиё ўйинларининг янги рекорди сифатида қайд этилди.

2023-10-24 16:35:58